

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

© № 176 (6. 067)

1986 йил 1 август, жума

Баҳоси 3 тийин



МУСОБАҚА — МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ВОСИТАСИДИР

ПАРТИЯ УМУМХАЛҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИДА, ҲАМИША БУЛГАНИДЕК, ҚАҲРАМОН ИШЧИЛАР СИНФИ ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛИШИГА ИШОНАДИ. УНИНГ ЮКСАК ОНГЛИЛИГИ ВА УЮШҚОҚЛИГИ, МЕҲНАТ ҒАЙРАТИ ВА СИЕСИЙ АКТИВЛИГИ, СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИГА ЕТ ҲОДИСАЛАРГА НИСБАТАН МУРОСАБСИЗЛИГИ—ОЛГА ТОМОН ҚИЛАДИГАН ҲАРАКАТИМИЗНИНГ ИШОНЧЛИ ГАРОВИДИР.

(КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасидан).

Тошкентликлар социалистик мусобақани авж олдириб КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасига амалий иш билан жавоб бермоқдалар

ЯНА БИР БИНО

Чорсу массивида қад қўйиб қўйилган янги бино кўпчилик диққатини ўзига тортмоқда. Чунки у Октябрь районига бўй қўйиб қўйилган 12 қаватли уй-жой биносидир. У 21 та бир хонали ва 22 та уч хонали квартиралардан иборат бўлиб, ғиштин девори ва паркет пол билан эгаларига манзур бўлади.

Массивдаги бу энг баланд бинони «Гавташкентстрой»нинг 12-трести 49 қурилиш бошқармаси бунёдкорлари тиклашмоқда. Унинг муддатидан олдин фойдаланишга топшириш мақсадида «Пардоз» трести 28-қурилиш бошқармасининг Р. Вавелен ва А. Комнов бошлиқ сайалчилар бригадалари жонбозлик кўрсатмоқда.

— Бино қурилишига 540 минг сўм сарфланади. Биз партиянинг Мурожаатномасига жазобан бу уйни декабрда эмас, сентябрда ойда фойдаланишга топширалик, — дейди қурилиш прораби Бахтиёр Махмудов. — Ҳозирги кунда қурувчилар сўнгги 12-қаватда монтаж ишларини бажармоқдалар.

КОММУНИСТЛАР ИБРАТИ

— КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига Мурожаатномасида илгари сурилган фикрларни ҳар бир киши қалби ва онгига синдиришга, уларда акс садо уйғотишга қорхонамизда 150 га яқин идеология активисти муносиб ҳисса қўшапти, — деди «Миконд» заводи партия комитетининг секретари Ш. Саидов.

Бу ерда ҳар партия ташкилотларининг секретарлари етакчилигида социалистик мусобақани кенг тус олдириш, ҳар бир иш жойида интизом, тартибни мустаҳкамлаш, янги, илғор ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, иқтисод ва тежамкорлик ва бошқа муҳим вазифалар

КАЛИТ ТОПШИРИЛДИ

Тошкент давлат университетининг «Каскад» студентлар қурилиш отрядининг аъзолари хонадонларга уйнинг рамзини калитини топширдилар. Улар Тюмень областининг Ялаторовск шаҳрида бир неча ҳафта ичда барча қулайликларни бўлган қот

теж қуриб битказдилар. Тошкент давлат университети студентлар қурилиш отрядларининг жангчилари 3-мехнат семестрида икки миллион сўмликдан кўп қурилиш-монтаж ишларини бажаришни мўлжаллаб қўйдилар. (ЎзТАГ).

БИР МИЛЛИОН ГАЛСТУК

Янги ўқув йили эшик қоқмоқда. Шу кунларда Тошкент уйинчоқлар фабрикаси 5-дехнининг Раҳила Хайрова бошлиқ бригадаси аъзоларининг қўли-қўлига тегмайдилар. Чунки улар сентябрга бир миллион дона галстук ишлаб чиқаришга аҳд қилишган.

Ийд бошидан буён бригаданинг 9 аъзоси тайёрлаган галстуклар 800 минг донадан ошди. Бу пландагидан 218 минг дона, яъни 98 минг сўмлик кўп.

Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғини 118

процент бажарган бригада коллективи ишлаб чиқаришда самарали усуллардан оқилона фойдаланмоқда.

Бригада 1 декабргача планга қўшимча яна 98 минг сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган.




Шу кунларда «Матбуот» ишлаб чиқариш бirlашмаси қорхоналарида шўх кириш. Матбуотчи КПСС XXVII съезди қарорларини оғимай амалга ошириш учун барча резервларни ишга солмоқдалар. Шу билан бирга улар янги ўқув йилига атаб қўллаб китобларни нашр этишга қўйишди. Чунки бирлашманинг 3-босмаҳонасида янги китоб линияси ишга туширилди. Унинг ёрдамида бир минутда 40

та китобни босмадан чиқариш мумкин. Асосий ўқув кўпнамалари ана шу ерда чоп этилмоқда.

СУРАТДА: янги китоб линиясининг ишлатиш жараёни, Илғор полиграфичилар С. Асипова, Р. Солопова ва Л. Кимлар конвейердан чиқатган китобларни саралашмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

ЗАМОНДОШИМИЗ



Уроловлар оиласини чинакам қурувчилар оиласи деб аташ мумкин. Сиз суратда кўриб турган Насриддин оиланинг бош фарзанди. У 2-ўзғиллик комбинати 25-қурилиш бошқармасининг Валентина Савельева бошчилигида қишлоқ бригаданинг илғор бўёқчиси. Яқинда Насриддиннинг сафига акиси ва укаси Зайниддин ва Сунаётлар ҳам қилишди. Ҳозир у ака-ука билан биргача ишлашмоқда.

Шу кунларда Насриддин Уролов ишлайётган бригада «Марказ — 17» ва «Марказ — 18» кварталларида қад қўйиб қўйилган янги бинолар қурилишида самарали меҳнат қилмоқда. Биз ушбу бригаданинг бошқармачиси, бригаданинг ташкилотининг секретари А. Мухаммаджоновлардан Насриддин ҳақида сўраганимизда улар бу қурувчининг номини ҳурмат билан тилга олишди.

Насриддин меҳнат қишлоқ бригадаси бошқармадагина эмас, балки комбинат коллективлари

ичида ҳам пешқадим ҳисобланади. Ун иккинчи беш йилликнинг биринчи ярми якуни бўйича биринчи ўринни эгаллаган коллектив 700 сўм пул мукофотиغا сазовор бўлди. Ойлик ойлик план эса 138 процент адо этилди. Коллективнинг бу ютуғида беш коммунист Насриддин Уроловнинг хизматлари катта. У кунлик топшириқларини ҳаминча ортири билан адо этмоқда.

— КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномаси бригадамиз коллективини ҳам руҳлантириб юборди, — дейди Насриддин. — Шу кунларда ана шу тарихий ҳужжатга жазобан мусобақани авж олдириш ҳолда меҳнат қилмоқдамиз. Бригадани қурувчилари йиллик план-топшириқни Улуг Октябрьнинг 69 йиллиги кунига адо этишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишди.

СУРАТДА: пешқадим қурувчи Насриддин Уролов.

Т. Каримов фотоси.

ЎРТОҚ М. С. ГОРБАЧЕВ

УЗОҚ ШАРҚ САФАРИДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Узоқ Шарқ сафаридан 31 июль кунини Москвага қайтиб келди. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН

БИЛАН ТАНИШУВ

Совет ҳукуматининг таклифи биноан мамлакатимизга расмий визит билан келган Туркия Бош вазирини Тургут Озал 31 июль кунини Ўзбекистон билан танишуви давом эттирди.

Туркия ҳукуматининг бошлиғи эрталаб Тошкентдаги Параллар ҳибобидида Номалум солдат набрига гулчамбар қўйди. Орнестр Туркия республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР Давлат гимнларини ижро этди. Гулчамбар қўйиш маросими фахрий қорувчилар сафи тортб ўтиши билан ниҳоятда бўлиб кетди.

Тургут Озал Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишди. У метрополитен динияси бўйлаб сафар қилди. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройини бориб кўрдилар.

Туш пайтида Тургут Озал ва мамлакат бўйлаб сафаридан унга ҳамроҳлик қиладиган кишилар Самарқандга келдилар. Улар ўрта аср меъморилик ёдгорлиқларини ва қадимий шаҳарнинг янги қурилиш районларини бориб кўрдилар.

Тургут Озал шу кунини Самарқанддан Ленинградга учиб кетди.

Тургут Озал республика билан танишган вақтда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раиси Ф. Қодиров унга ҳамроҳ бўлди. (ЎзТАГ).

Сўлим оромгоҳларда

Ёзнинг иссиқ кунлари шаҳрнинг атрофидаги сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқариш нақадар гашти. Бугунги кунда наъриятимиз ишчи ва хизматчиларнинг 700 га яқин фарзанди ёзи каникулларини Янгиқўрғондаги Гагарин номида ва Қиёрайдаги «Ялтоқча» пионер лагерларида ўтказишмоқда. Ҳар йилгидек бу сафар ҳам мингдан ортиқ кичкинтой ана шу оромгоҳларда дам олиб қайтибди.

Ота-оналар учун Янгиқўрғондаги дам олиш зонасида 12 кунлик путёвка жорий этилган. Шенба ва яшанба кунлари ана шу сўлим оромгоҳда 75 кишининг ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилган.

Қиёрайдаги «Навбахор» санаторий профлакторийи эса 75 ўринга мўлжалланган бўлиб, унда 24 кун дам олишди. Бу ерда спорт ўйинлари ўтказиш

учун майдончалар, анжомлар бор. Бессейн, фин ҳаммомлари дам олишчилар ихтиёрида. Ишчи ва хизматчиларимиз мамлакатимизнинг турли бурчакларида кўнгилли дам олиб қайтишлари учун ҳам шароитлар яратилмоқда. Йил бошидан бери 20 киши туристик сафарда бўлди. Беш киши санаторийда, саккиз оила эса дам олиш уйларида ҳордиқ чиқариб қайтибди. Ишчиларимиз чет элларга ҳам саёҳат қилишмоқда. Сентябрь ойда Венгрия, Чехословкия ва Болгарияга сафар уюштирилди. «Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» деганларидек кўнгилли ҳордиқ ишда ўз самарасини кўрсатмоқда.

Э. ОТАБОВ, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети наъриятимизнинг касаба союз комитети раиси.

Марокли саёҳатлар

— Ҳамшаҳарларимиз Болтибуйи ва Закавказье, Ростов-Дон, Кавказнинг Лермонтов номи билан боғлиқ надамжоларни бўйлаб марокли саёҳатда бўлишди, — дейди Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси директорининг ўринбосари В. Амеличова. — Шу йилнинг ўзига Тула, Астрахань, Приморье ўлкалари бўйлаб саёҳат маршрутлари ташкил этилди. «Великол», «Кайиш», «Мовий қирғоқ» туристик базалари уларнинг хизматида бўлади. Шунингдек Тошкент — Пажикент, Тошкент — Қоникоб маршрутлари жорий этилди. Келусида Тошкент бўйлаб туристик саёҳат уюштирилади.

Утган уч ойда 18,5 минг киши мамлакатимиз ва республикамиз бўйлаб саёҳатда бўлди. Аини вақтда 24,3

миң меҳмон пойтахтимизда бўлиб, унинг диққатга сазовор жойларини томоша қилди. — Бюро хизматидан, — деб сўзини давом эттиради Галина Васильева, аиниқса Ҳамза райони қорхоналари ва муассасалари яхши фойдаланишмоқда. Иккинчи кварталда Тошкент бўйлаб икки юз экскурсия уюштирилди, уларда 287,5 минг киши иштирок этди.

Тошкент экскурсия ва саёҳатлар бюроси йил мобайнида тошкентликлар ва шаҳримиз меҳмонларига 11 миллион сўмлик туристик хизмат кўрсатди.

И. РАҲМАТУЛЛАЕВА, В. И. Ленин номи Тошкент Давлат университети журналистика факультети студенти.

БУТУНИТТИФОҚ

КЎРИГИГА

Пойтахтимиздаги 240-ўрта мактабда «Зарница» ҳарбий-спорт ўйинларини ташкил этишда бой тажриба тўпланган.

Улуг Октябрь революциясининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Зарница» Бутуниттифоқ пионерлар ҳарбий-спорт ўйинлари XI республика финалида ҳам мактаб ўқувчилари қаққонлик ва маҳорат кўрсатдилар. Мактаб командаси иккинчи ўринни қўлга киритди.

Улар Тошкент области вакиллари составида Фрунзе шаҳрида ўтказилган Бутуниттифоқ финалида қатнашдилар.

ЯНА ДУРАНГ



мумкин эди. Бироқ, қораларнинг иккинчи партияни қўлига туғайли бундай қилмади. У моддий устуликка эришишдан кўра кучларни жамлашни лозим топди. А. Карпов ўз наъбатда вазиятни таҳлил қилиб, қўшимча имкониятлар топшига муваффақ бўлди. Шундай қилиб бу партия 52-ўйиндан кейин дуранг натижа билан тугади. Ҳисоб ҳозирча 1:1.

Бутун ўйинчи партия ўйнади. А. Карпов оқ доналар билан ўйнади.

ТАСС ТЕЛЕТАИП ЛЕНТАСИДАН

◆ ПАРИЖ. Узоқ давом этган қизғин бахслардан кейин Франция сенати — мамлакат парламентининг юқори палатаси терроризм билан кураш тўғрисидаги ҳукумат қарорини қўйди. Франция Коммунистик партияси ва социалистларнинг вакиллари бу қарорни лойиҳасига қарши овоз бердилар. Бу ҳужжат ўнг қўлчилик кабинетининг позицияси ва суд аппарати вакиллари ва ҳуқуқларнинг кенгайтиришга қаратилган тадбирларнинг бир қисмидир. Агар ушбу қарор лойиҳаси қонун тусини олса, деб таъ-

кидлади «Еоманите» газетаси, — у ҳолда тинтувлар, обилавлар ўтказиш ҳамда граждандарни ушлаш учун полицияга қўшимча имкониятлар берилади. Аини вақтда ҳукумат мамлакатда жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлаётган ўшқир социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этиш йўлида бирон бир жиддий чора тадбирлар қўришни тақлиф этаётгани йўқ.

◆ НЬО-ЙОРК. Бу ерда «АҚШ Коммунистик партиясининг миллий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ҳо-

зириг босқичда партиянинг стратегияси ва тактикаси масалаларига бағишланди. Делегаллар Америка коммунистларининг тинчлик ва социал адолат учун курашини активлаштиришнинг долзарб масалаларини муҳофиза қилдилар. АҚШ Коммунистик Бош секретари Гэс Холл анжуманда сўзга чиқиб, ҳозирги халқаро кескинлик вазиятида ядро ҳалокатининг олдин олиш ва ядро курали пайғамбарини жолавлан учун кураш алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Ана шу йўлдаги биринчи қадам сифатида, деб

уқтирди у, Рейган маъмуриятини ядро синовларини тўхтатишга мажбур этиш лозим. Америка коммунистларининг раҳбари, ноябрь ойда АҚШ конгрессига бўладиган оралиқ сайловларда қуролланган пайғамбар талабдорларига қатъий зарба бериш муҳимлигини таъкидлади.

◆ ЛУСАКА. Буюк Британия ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Жеффри Хаунинг Африка жанубидаги мамлакатларга сафарни бариб бўлди. Министр ўз сафарининг сўнгги кунинда ЖАР президенти Пигер Бота билан музокараларни тугатган, матбуот конференциясида «Лондон кўзда тутилган тараққиётга эри-

шилмади», деди. Тори ҳукуматининг вакили Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатлар номидан ўзи илгари сурган ташаббуслар Преторияда етарлича тушунилмаганини тан олишга мажбур бўлди.

◆ БАҒДОД. 30 июль. (ТАСС). Эрон ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Форс кўрфазидида «йирк денгиз нишонини яна шикастлангандилар, деб хабар берилади. Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида. Фронтирнинг марказий участкасида Ироқ бўлинимаси Эрон позициясига ҳужум қилди ва душман аскарларига талафот етказди, ўқ-дори секланганди омонбори аксон қилди. Басрадан шарқроқ-

да Эрон бўлинимасининг ҳужуми даф этилди. Фао секторидида, Майсанда шарқроқда ва фронтирнинг шимолий участкасида душманга зарба берилди.

◆ НИКОСИЯ, 30 июль. (ТАСС). ИРНА агентлиги Эрон самолётлари Басра ва Сулаймония вилоятларида душманнинг саноат ва ҳарбий объектларига ҳужум қилганини тўғрисида хабар берибди. Эрбил-Мосул йўлидаги кўприк бомбардирмон қилинди. Хувайза ботқоқлиги раёонида Эрон —Ироқ солдатларидан 100 киши ўлдирилди. Фао секторидида, фронтирнинг жанубий ва марказий участкаларида артиллерия отишмалари давом этди.

Редактор Т. М. КОЗОКБОВ.

